

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРДА ЧИҚИМЛАРНИ ҚОПЛАШ ВА УНДИРИШГА ДОИР ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Азимов Сайдулло Неъматиллаевич

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармаси прокурори, адлия маслаҳатчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568667>

Аннотация: Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни фош қилиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш давлат учун катта молиявий ҳаражатларни талаб қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, жиноят ишини юритишга жалб қилиниши билан боғлиқ ҳаражатларини процесс иштирокчиларига ўз вақтида ва тўлиқ қоплаб берилиши суд-тергов органлари фаолияти самарадорлигини оширади. Бу борада жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ процессуал чиқимларга оид хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларни қоплаш ва ундиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан мақолада процессуал чиқимларга оид миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги қиёсий таҳлил қилинмоқда.

Калит сўзлар: чиқим, ҳаражат, ундирув, қоплаш, маҳкум, гувоҳ, жабрланувчи, мутахассис, эксперт, таржимон, терговчи, суд.

Жиноятни аниқлаш ва айбдор шахсни жавобгарликка тортиш билан боғлиқ жараён муайян маблағларни талаб этади. Уларнинг бир қисми давлат бюджетидан қопланса, қолган қисми процесс иштирокчиларининг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шу сабабли, кўп ҳолларда гувоҳлар, жабрланувчилар, мутахассислар, таржимонлар ортиқча сарф-ҳаражатдан қочиш мақсадида тергов органи ёки суднинг чақирувига вақтида жавоб бермайди, турли бахоналар билан суд ва тергов жараёнларида иштирок этмасликка ҳаракат қилади.

Натижада, процессуал чиқимларнинг аксарият қисми жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи ёки судьянинг шахсий ҳисобидан қопланиб, келгусида ушбу пуллар тегишли шахслардан ундириб олинмайди.

Жиноят ишларини юритишда процессуал чиқимлар доираси, ишни юритиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг қоплаб берилиши ва ундирилишининг аниқ белгиланиши ушбу институтни тўлақонли ишлашига замин яратади.

Хорижий мамлакатлар, хусусан Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Беларусь Республикалари, Россия Федерацияси, Украина, Германия давлатларининг ушбу соҳага оид қонунчилиги таҳлил қилинганида, процессуал чиқимлар тушунчаси, унинг турлари, уларни қоплаш ва ундириш тартиби, давлат ҳисобига ўтказиш борасида миллий қонунчилик билан муайян фарқлар мавжудлиги кузатилди.

Жумладан, Ўзбекистон қонунчилигига кўра, “жиноят ишини юритиш билан боғлиқ ҳаражатлар” деганда жиноят иши қўзғатилганидан кейинги босқичдаги чиқимлар тушунилганлиги сабабли, терговга қадар текширув босқичидаги ҳаражатларни процессуал чиқимларга киритиб бўлмайди.

Бироқ, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжонда процессуал чиқимларни ҳисоблаш жиноий таъқиб бошланган вақтдан бошланиб, мутахассис, эксперт, таржимон, шунингдек адвокат ёки бошқа шахсларнинг жиноят процессининг барча босқичларида амалга оширган хизматлари ва ҳаражатлари процессуал чиқимлар доирасига киритилган.

Бундан ташқари, Қозоғистон ЖПКнинг 177-моддасида иш жойига эга бўлган ёки доимий иш ҳақи оладиган гувоҳ, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари, холиснинг жиноят ишини юритувчи орган томонидан жиноят ишини юритишга жалб қилинган бутун вақти учун иш ҳақининг иш жойида тўлаб берилмаган қисми процессуал чиқимлар ҳисобланиши кўрсатилган.

Бу каби норма Россия ЖПКнинг 131-моддаси, Қирғизистон ЖПК 143-моддаси, Украина ЖПКнинг 122-моддаси, Беларусь ЖПК 162-моддасида ўз аксини топган бўлиб, Ўзбекистон қонунчилигида бундай норма мавжуд эмас.

Шунингдек, Ўзбекистон ЖПК 318-моддасига кўра, ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ ҳаражатлар процессуал чиқимларга киритилган. Бироқ, Россия қонунчилигида (ЖПК 131-модда) ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатишдан ташқари, уларни бузиш ва ташиш (транспортировка қилиш), шунингдек мурдани ёки унинг қисмини ташиш (транспортировка қилиш) билан боғлиқ ҳаражат, Озарбайжонда (ЖПК 197-модда) ашёвий далилларни сақлаш, жўнатиш ва тадқиқ қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар, Украинада (ЖПК 118-модда) ашёларни ва ҳужжатларни сақлаш ва жўнатиш, шунингдек, уларнинг кўчирма ва нусхаларини тайёрлаш билан боғлиқ ҳаражатлар ҳам киритилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ЖПК 320-моддаси тўртинчи қисмида, судланувчи оқланган ёки ЖПК 83-моддасига мувофиқ иш юритиш тугатилган тақдирда процессуал чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилиши белгиланган.

Бироқ, Қозоғистон ЖПК 178-моддаси, Қирғизистон ЖПК 144-моддасига кўра, процессуал чиқимлар фақатгина оқлов ҳукми чиқарилишига ёхуд жиноят ишини юритишнинг тугатилишига жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ёки шахс қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги асос бўлган ҳолларда давлат ҳисобига ўтказилади. Россияда эса (ЖПК 132-модда) хусусий айблов бўйича қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини бекор қиладиган қонун қабул қилинганлиги сабабли шахс қилмишида жиноят таркиби йўқлиги асоси билан жиноят ишини юритиш тугатилганда ҳам процессуал чиқимлар ўзига нисбатан иш юритиш тугатилган шахсдан ундирилиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон қонунчилигида дастлабки терговда жиноят ишини юритиш айблилик масаласи ҳал қилинмасдан (ЖПК 84-моддаси) тугатилганда процессуал чиқимларни ундириш тартиби белгиланмаган. Бироқ, Қозоғистон ЖПК 178-моддасида иш ярашувга асосан тугатилган тақдирда процессуал чиқимлар судланувчидан, Озарбайжон (ЖПК 198-модда), Қирғизистон (ЖПК 144-модда), Россия (ЖПК 132-модда) қонунчилигида иш юритиш ярашувга асосан тугатилганда процессуал чиқимлар бир тарафдан ёки ҳар икки тарафдан ундирилиши белгиланган.

Қайд этиш лозимки, процессуал чиқимлардан бири бўлган таржимон хизматига ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорида ҳам миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигида муайян фарқлар мавжуд.

Ўзбекистон ЖПКнинг 318-моддасига кўра, таржимонларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммалар ҳамда улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақлар, агар ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилган бўлмаса процессуал чиқим сифатида ундирилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон ЖПК 319 ва 320-моддалари мазмунига кўра, жиноят ишини юритишга жалб қилинган таржимон хизматига, агар у хизмат топшириғини бажарган бўлса иш жойидаги иш ҳақи сақланади, қолган ҳолларда эса бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиб, маҳкумдан ундирилмайди.

Қозоғистон ЖПК 178-моддасида суд таржимон хизматидан ташқари бошқа процессуал чиқимларни маҳкумдан ундиришга ҳақли эканлиги, ишда таржимон иштирок этгани билан боғлиқ процессуал чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилиши, агар таржимон ўз вазифасини хизмат топшириғи асосида бажарган бўлса, унинг меҳнат ҳақи таржимон ишлаётган давлат ташкилоти томонидан қоплаб берилиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, Қозоғистон ЖПК 175-моддасига кўра, жиноят ишларини юритишда таржимон, агар:

- 1) хизмат топшириғини бажарган бўлса – иш жойидан ойлик иш ҳақи;
- 2) хизмат топшириғи тартибида бажарилмаган ва иш вақтидан ташқари вақтда бажарилган бўлса Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган миқдорда **бюджет маблағлари ҳисобидан** тўловлар;
- 3) хизматлар шартнома асосида амалга оширилган бўлса шартномада белгиланган миқдорда шартнома тузган тарафдан тўловлар олади.

Таъкидлаш керакки, Қозоғистонда таржимонга **1 варақ**нинг таржимаси (2000 тагача сўз) ёки **бир соат** оғзаки таржима учун:

- 1) рус тилидан қозоқ тилига (ва аксинча) – ойлик ҳисобланган кўрсаткичнинг иккидан бир баравари (яъни 1 590 танга ёки **38 минг сўм**);
- 2) ғарбий европа, турк ва бошқа тиллардан рус ёки қозоқ тилига (ва аксинча) – бир ойлик ҳисобланган кўрсаткичдан ошмаган миқдорда (яъни 3 180 танга ёки **76 минг сўм**) тўланади.

Россия ЖПКнинг 131-моддасида, жиноий суд ишларини юритиш давомиза ўз вазифасини бажаргани учун таржимонга тўланадиган тўловлар, агар ушбу вазифа унинг хизмат вазифаси тартибида бажарилган бўлмаса, процессуал чиқим ҳисобланиши, 132-моддасида суд маҳкумдан процессуал чиқимларни ундиришга ҳақли эканлиги, бундан таржимон ва ҳамоячига гумон қилинувчи, айбланувчи ҳимоячидан воз кечган бўлиб, ушбу воз кечиш рад қилинган ва адвокат тайинланиб иштирок этган, шунингдек шахс реабилитация қилинган ҳолларда адвокат ва таржимонга тўланган тўловлардан мустасно эканлиги кўрсатилган.

Ушбу нормалар мазмунидан кўринадики, Россияда шахс реабилитация қилинган, таржимон хизмат вазифасини бажармаган ёки маҳкум процессуал чиқимлардан озод қилинганидан ташқари бошқа ҳолларда таржимон хизмати учун тўланган ҳаражатлар маҳкумдан ундирилади.

Бундан ташқари, Россияда таржимон хизматига ҳақ тўлаш миқдори оғзаки таржима учун амалда сарфланган бир соат вақт учун 700-1500 рубль (125-270 минг сўм), ҳар бир таржима қилинган варақ учун 200-400 рубль (36-72 минг сўм)ни эса ташкил қилади.

Қирғизистонда ҳам жиноят ишини юритишда иштирок этган таржимон хизматига тўланадиган ҳақ миқдори ҳар бир соат учун 14-24 ҳисоб кўрсаткичи (187-322 минг сўм), ҳар бир таржима қилинган варақ учун эса 4 ҳисоб кўрсаткичи (53 680 сўм)ни ташкил қилади.

Бундан ташқари, Россияда (ЖПК 131-модда) вақтинча лавозимидан четлаштирилган шахсларга ҳар ойлик давлат томонидан тўланадиган нафақа пуллари ҳам процессуал чиқимларга киритилган бўлиб, Ўзбекистонда бундай тартиб белгиланмаганлиги сабабли, процессуал чиқимларга киритилмаган.

Шунингдек, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган ҳолларда процессуал чиқимларни қоплаш ва ундириш масаласи ҳам муҳим бўлиб, ўрганилган давлатларда фақат Қирғизистон ЖПК 491-моддасида процессуал чиқимлар айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилгани натижасида ҳукм чиққан ҳолларда айбланувчидан ундирилмаслиги белгиланган. Бироқ, миллий қонунчилигимизда айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилганда процессуал чиқимларни ундириш масаласи қандай ҳал қилиниши белгиланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жиноят ишларини юритишда процессуал чиқимларни қоплаш ва ундириш борасида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги таклифлар билдирилади:

қонунчиликда “процессуал чиқимлар” тушунчасига таъриф бериш;

процессуал чиқимлар турларига терговга қадар текширувда иш юритиш билан боғлиқ процессуал иштирокчилари томонидан бажарилган ишлар ва қилинган ҳаражатлар учун тўланадиган тўловлар, давлат ташкилоти бўлмаган ташкилотлар томонидан жиноят ишига жалб қилинган вақти учун ходимларига тўлаб берилган иш ҳақлари ва бошқа ҳаражатлар (хизмат сафари ва ҳ.к.), ашёвий далилларни ташиш (транспортировка қилиш), тадқиқ қилиш, шунингдек ҳужжатларни ташиш, нусха қилиш, кўчирма бериш борасидаги ҳаражатларни ҳам киритиш;

шахсга нисбатан лавозимидан четлаштириш мажбурлов чораси қўлланилганда, агар у оилада ягона боқувчи бўлса, давлат ҳисобидан нафақа пули тўлаш тартибини белгилаб, ушбу нафақа пуллари ҳам процессуал чиқим доирасига киритиш;

таржимон хизматига тўланадиган тўловлар миқдорини ошириш, шунингдек ушбу ҳаражатларни бюджет маблағларидан қопланишини бекор қилиб, процесснинг бошқа иштирокчиларидан ёки шартнома асосида шартнома тузилган тарафдан ундирилишини белгилаш;

шахсга нисбатан ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан оқлов ҳукми чиқарилган ёки иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда процессуал чиқимларни бюджет маблағларига ўтказиш;

жиноят ишини юритиш шахснинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилганда процессуал чиқимларни ундириш тартибини белгилаш;

айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган ишлар бўйича процессуал чиқимларни маҳкум зиммасига юклатилмаслигини назарда тутиш.

Қайд этилган таклифларни қонунчиликка киритилиши процесс иштирокчиларининг жиноят ишларини юритишга жалб қилиниши билан боғлиқ ҳаражатларини ўз вақтида ва тўлиқ қоплаб берилишига, ишларни юритиш борасидаги бюджети маблағларини иқтисод қилинишига, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга кенгроқ имконият яратади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 1994 йил 22 сентябрь / <http://lex.uz/docs/111460>
2. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 №174-ФЗ (ред.от. 21.11.2022) <http://consultant.ru>
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года №231-V / <http://online.zakon.kz>
4. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28.10.2021 года № 129 / <http://cbd.minjust.gov.kg>
5. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14.07.2000 года № 907-IQ / <https://continent-online.com>
6. Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13.04.2012 года № 4651-VI / <https://continent-online.com>
7. Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германия – Strafprozessordnung (StPO) – Научно-практический комментарий и перевод текста закона / <https://publishup.uni-postdam.de>
8. Постановление Правительства Республики Казахстан от 09 октября 2014 года № 1070 «О некоторых вопросах возмещения расходов лицам, понесенных при производстве по уголовному делу»
9. Постановление Правительства РФ от 01.12.2012 года №1240 (ред.от.29.06.2022) «О порядке и размере возмещения процессуальных издержек, связанных с производством по уголовному делу, издержек в связи с рассмотрением дела арбитражным судом, гражданского дела, административного дела, а также расходов в связи с выполнением требований Конституционного суда Российской Федерации и о признании утратившими силу некоторых актов Совета Министров РСФСР и Правительства Российской Федерации» / <http://consultant.ru>